XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT VILOYATI KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 20 - avgust VI-36-17-10-0-K/21 Toshkent viloyati hokimiligi

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар "KOMMUNAL XIZMAT KO`RSATISH" давлат корхонаси ичимлик суви ва оқова хизматлари тарифлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6074-сонли Фармонига асосан вилоятда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари тарифларини тартибга солиш мақсадида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6074-сонли Фармони маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “KOMMUNAL XIZMAT KO`RSATISH” давлат корхонаси томонидан ишлаб чиқилган:

ичимлик суви ва оқова сув хизматлари тарифлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бош бошқармасининг хулосалари (18.02.2021 йил № 01/03-718, 5.11.2020 йилдаги №01.08.3311/836-сонли) инобатга олинганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи (З.Эралиева), “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари бош муҳаррири (Г.Шералиев)га ичимлик суви ва оқова хизматларининг янги тарифлари қўлланилиши юзасидан оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгаши Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М.Болтабоев, Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси раиси М.Ахмадалиев ва вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Хакимов ва Б.Мелиевлар зиммасига

юклансин.

5. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **Д. Хидоятов**

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг
2021 йил 20 августдаги
VI-36-17-10-0-K/21-сон қарорига
1-илова

"Kommunal xizmat ko`rsatish" davlat korxonasi сув таъминоти ва канализация хизматлари учун амалдаги ва таклиф этилаётган нархлари (тарифлар)

№	Хизмат тури	Амалдаги нарх (тариф) (сўм)	Амалдаги нарх (тариф) (сўм) (ҚҚС билан)	Таклиф этилаётган нарх (тариф) (сўм	Таклиф этилаётгна нарх (тариф) (сўм) (ҚҚС билан)
Ичимлик суви нархи					
1	**Аҳоли учун 1м³**	186		300	
2	**Бюджет ташкилотлари учун 1м³**	248	285,2	420	483
3	**Улгуржи истеъмолчилар учун1м³**	272	312,8	470	540,5
Оқова суви нархи					
4	**Аҳоли учун 1м³**	457		750	
5	**Бюджет ташкилотлари учун 1м³**	755	868,25	1250	1437,5
6	**Улгуржи истеъмолчилар учун 1м³**	2299	2643,85	2500	2875